

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ТАХЛИЛИ

Абдурасулов Равшанбек Ҳотам ўғли

Тошкент молия институти 3-босқич талабаси

АННОТАЦИЯ

Маколада хозирги кунда Ўзбекистон тижорат банклари томонидан миждозларга такдим қилинаётган кредит операциялари турлари ва шакллариб сунги 5 йил ичида берилган кредит хажмининг узгариши ва сабаблари тахлил қилиб утилган.

Калит сузлар: Тижорат банки, кредит, ипотека кредити, микрокарз, фоиз сиёсати, фоиз ставкаси, кредит портфели, кредит тамойиллари, кредитлаш механизми.

ABSTRACT

The article analyzes the types and forms of credit operations offered to customers by commercial banks of Uzbekistan, the changes in the volume of loans granted in the last 5 years, and the reasons for them.

Keywords: Commercial bank, loan, mortgage loan, microcredit, interest policy, interest rate, loan portfolio, loan principles, lending mechanism.

КИРИШ


Биламизки хозирги кунда банклар иктисодиётнинг ажралмас, мухим бир бугинига айланиб булган. Хозирги биз билган банкларнинг шаклланиши урта асрларга бориб такалади ва шундан буён улар узларининг фаолият турини замон талабларига мослаган холда кенгайтириб бораверишган. Хозирги кунда банкларнинг анъанвий фаолият турларидан бири бу кредит операцияларидир. Кредит бу ахолии эхтиёждан ташқари буш турган пул маблағларини жалб

килиб, уни шу пул маблагларги эхтиёжи бор шахсларга маълум шарт ва тамойиллар асосида қарз беришдир. Кредит операциялари орқали банклар иктисодиётда пул айланишини тухтаб қолишини олидини олади, яъни улар пулнинг доимий ҳаракати оқимини бир маромда бўлишини таъминлаб беришга ҳаракат қилади. Қандай дейсизми тасаввур қилинг ҳужалик юрутувчи субъект яъни ишлаб чиқарувчи узини фаолиятини давом эттириш учун хомашё ва материаллар сотиб олиши керак у режада курсатилган миқдорда ишлаб чиқариш учун етарли захираси оқборда мавжуд, аммо унинг маҳсулотларига бугунги кундаги бозорда талаб ошиб кетди, уз-уздан у ҳам тақлифни қупайтириш орқали қупрок фойда олишни хоҳлайди. Банк шундай вазиятларда пулга эхтиёж сезаётган субъектларга фаолиятини кенгайтириш ва янада ривожлантириш учун пул беради уз навбатида у ҳам бу пулларни айланттириб яна банка қайтаради. Банклар бир нечта субъектлар билан узаро алоқада бўлиб уларнинг пул маблагларини ҳарқатани бошқаради. Кредит опрециялари (лотинча «creditum» - ссуда деган маънони англатади) деганда тамойиллар яъни қайтаришлилик, фоизлилик, муддатлилик, туловлилик асосида шартномада белгиланган миқдордаги суммани қарзга бериш тушунилади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ҳозирги кунда тижорат банклари томонидан тақдим қилаётган кредитларнинг ҳам турлари қупдир мисол учун муддатига қура кредитлар: қиска ва узок муддатли; кредитлар мақсади ва қайси соҳага йуналтирилганлиги бўйича: саноат, қишлоқ ҳужалиги, савдо, инвестицион, истеъмол ва бошқлар; таъминланганлиги бўйича: таъминланган ва таъминланмаган; фоиш ставкаси турлари бўйича: қатъий белгиаланган ва сузиб юрувчи. Бундан ташқари кредитнинг бошқа турлари ва узига ҳос хусусиятлари мавжуддир мисол учун кредитлар бериш тартиблари, мақсадлари ҳам юридик ва жисмоний шахсларники бир-биридан фарқли жихатлари қуп. Ҳозирги тез ривожланиб бораётган замонда инсонлар икки хил мақсад бўйича кредит олади: бири бу уз фаолият турини кенгайтириш ва янада ривожлантириш бўлса, иккинчиси бу

вужудга келган пулга эҳтиёжини кондириш. Энди эса тижарат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг энг куп микдори қайси сохаларга тугри келишини куриб чиксак.



1-расм.Ўзбекистон худудида тижарат банклари томонидан тармок ва сохалар буйича ажратилаган кредитлар микдори (млрд сумда)

Ушбу Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан берилган маълумотларга асосан сунги 5 йил ичида тижарат банклари томонидан ажратилган кертитларнинг энг куп микдори қайси соха ва тармоқларга тугри келиши курсатилаган. Сунгги 5 йил ичида ажратилган кредитлар энг куп микдори саноат сохасига 165.31% га, кижлок хужалиги сохасига 665.04% га, савдо ва умумий хизмат сохасига 433,25% га, моддий ва техник таъминотни ривожлантириш сохасига 708,97%, жисмоний шахслар хизматлари сохасига 416,13% га, энг кам микдори эса транспорт ва коммуникация сохасига 74,02% га

тугри келмоқда. 2021 йил ҳолатига кура саноат соҳасига ажратилган кредит миқдори 115032 млрд сумга кишлоқ хужалигида эса 34903 млрд сумга тугри келган. Бунинг асосий сабаби 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йуналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури туғрисида амалга оширилган ишлардир. Аммо бугунги иқтисодиёт жадал ривожланиб бораётган замонда, тижорат банклари уз операцияларини жаҳон андозаларига мослаштиришга ҳаракат қилишига қарамай кредитлаш тизимида бир мунча оқсамокда. Хусусан кредитлаш тизимида кредитлар олишда хали ҳам хужжатбозлик ишларини куплиги ва кредит ажратиш тартиблари яхши даражада қуйилмаганлиги, кредит хужжатларини расмийлаштиришдан тортиб уни берилгунгча булган жараёнларнинг секинлиги, айрим ходимларнинг тажриба ва малакаси етарли эмаслиги, банклараро рақобатнинг йуқлиги, коррупция ҳолатларини банкларда қузатилиб турилиши, ходимларнинг маъсулятсизлиги ва уз вазифаларини суистеъмол қилиши ва энг асосийси маркетинг ҳамда банкнинг миҳозларни жалб қилиш қобилиятини қамлиги бугунги кунда асосий муаммоларидан бири булиб турмоқда. Булардан энг асосийси бу бизнинг банк тизимимизда тижорат банклари орасида рақобатнинг жуда сустигидир.

Банк номи	Ипотека кредити	Истеъмол кредити	Мироқарз	Автокредит
Ўзмилийбанк	25% бошлангич бадал, йиллик 24%,	12 ойгача 25%	24 ой йиллик 26% 12 ой йиллик 30%	25% бошлангич бадал, йиллик 26%
	30% бошлангич бадал, йиллик 23%	24 ойгача 26%		35% бошлангич бадал, йиллик 25%
	40% бошлангич бадал, йиллик 21%	36 ойга 27%		40% бошлангич бадал, йиллик 24%
Ўзсаноатқурилишбанк	25% бошлангич бадал 7 йил йиллик 24%	12 ойга 25%	12 ойга йиллик 26,9%	Бошлангич бадал 25%
		24 ойга 26%	24 ойга йиллик 27,9%	24 ойга 23%
	25% бошлангич бадал 10 йил йиллик 25%	36 ойга 27%	36 ойга йиллик 28,9%	36 ойга 24%
				48 ойга 25%
Асака банк	20 йилгача 17% дан, муддатга қараб қушимча туловлар		12 ойга йиллик 32%, қушимча	Бошлангич тулов 30%, 36 ой 23%,

	хам узгаради, 15% бошлангич бадал		тулов 181682,41	кушимча тулов мавжуд
			24 ойга йиллик 34%, кушимча тулов 391816,51	Бошлангич тулов 30%, 48 ой 24%, кушимча тулов мавжуд
				Бошлангич тулов 30%, 60 ой, 25%
Агробанк	10 йил муддатга бошлангич бадал 25%, йиллик 26% имтиёзли двар 12 ой	2 йилгача йиллик 27,99%, бошлангич тулов талаб этилмаиди	1йил муддатга 26%	1 йил муддатга 24%
			2 йил муддатга 27%	2 йил муддатга 25%
				3 йил муддатга 26%
				4 йил муддатга 27%
Халқ банки	15 йилгача дастлабки тулов 26% йиллик 25%	Йиллик 22,5%, 24 ойгача кредит суммаси базавий хисоблаш микдорининг 25 баробаридан ошмаган	Йиллик 24% 24 ойгача, кредит максимал микдори 25 миллион сум	4 йилгача йиллик 24%, бошлангич тулов 20%
	20 йилгача бошлангич тулов 15% йиллик 17% (Айёлларга кумак ипотека)			
Қишлоқ қурилиш банк	20 йилгача 7-14% гача, кредит суммаси 257400000,00	60 ойгача йиллик 27%	24 ойгача йиллик 28%	48 ойгача йиллик 24% бошлангич тулов 30%
Микрокредит банк	15 йилга йиллик 24% уй-жой сотиб олишга иккиламчи бозордан	48 ойгача йиллик 27%	12 ойгача йиллик 26%	36 ойгача йиллик 26% бошлангич бадал 30%
			24 ойгача йиллик 27%	36 ойгача йиллик 27% бошлангич бадал 20%
	Бирламчи бозордан ипотека кпедити йиллик 17% 20 йилгача			60ойгача йиллик 28% бошлангич бадал 20%
				60 ойгача йиллик 27% бошлангич бадал 30%

36
ойгача
йилиик 28%

1-жадвал Давлат улуши мавжуд тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар фоиз ставкалари

Давлат улуши мавжуд булган тижорат банкларининг кредит фоиз сиёсатини тахлил килганда деярли ухшаш шартлар ва ухшаш фоизларни куриш мумкин. Бунинг асосий узаги давлат дастурлари доирасида олиб борилаётган ислохотлар хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон “Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан жорий этилган бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашнинг янги тартиби дастурини мисол килишимиз мумкин.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

“Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни it-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорининг самарали ижросини таъминлаш мақсадида “Бир миллион дастурчи” лойиҳаси доирасида ўқув курсларини муваффақиятли тугатган ва сертификат олган ёшларга компьютер харидлари учун истеъмол кредитлари ажратиб келинмоқда. Ўзбекистон ҳудудида кредит бериш билан нафакат тижорат банклари балки бошқа микрокредит ташкилотлари ҳамда ломбардлар ҳам ушбу фаолият тури билан шуглланади. Ушбу кредит ташкилотлари орасида ракобат сустиги деярли мавжуд эмаслиги, аҳоли даромад даражаси жуда пастлиги бугунги кунда кредит тизимининг сифатини оширишдаги энг катта тусиклардан буилиб саналмоқда. Хулоса урнида шуни айтиш жоизки, кредит ташкилотлари уртасида соф ракобатни вужудга келтириш учун аҳоли даромадлари билан биргаликда кредит риски даражасини ҳам ҳисобга олган ҳолда энг оптимал ечимга эга булган кредит турларини ишлаб чиқиш ва аҳолига таклиф қилиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек аҳолининг жамғаришга нисбатан кредит олишга булган қайфиятини юкори эканлигини тахлил килганда иккала томонга ҳам муқобил булувчи янги тарифларни ишлаб чиқиш даркор.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 06.10.2020 йилдаги ПҚ-4851-сон
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон
3. Ш.З. Абдуллаева, У.У.Азизов Банк иши дарслик – Т: “Иктисод-молия”, 2019. -540 б.
4. Абдуллаева Ш.З. Кредитлаш ва кредитлаш тамойили. Т.:Иктисод-Молия, 2017.

5. Абдуллаева Ш.З., Сафарова З. Тижорат банкларининг молиявий ресусларини бошқариш. Т.: Иктисод-Молия, 2007.
6. Абдуллаева Ш.З. Пул муомаласи ва кредит. Т.: ИЛМ ЗИЙО, 2017 й
7. <https://cbu.uz/uz/> Узбекистон Республикаси Марказий банки
8. <https://nbu.uz/uz/> Узбекистон Республикаси Миллий банки
9. <https://www.sqb.uz/uz/> Узбекистон Республикаси Саноат қурилиш банки
10. <https://www.asakabank.uz/uz/> Асака банк
11. <https://agrobank.uz/> Агробанк
12. <https://www.xb.uz/uz/> Акциядорлик тижорат Халқ банки
13. <https://qishloqqurilishbank.uz/> Қишлоқ Қурилиш Банк
14. <https://mkbank.uz/uz/> Микрокредитбанк
15. <https://lex.uz/> Узбекистон Республикаси қонунчилик миллий базаси